

Термиз туманида миллий кураш бўйича “Бош прокурор кубоги”нинг туман босқичи бўлиб ўтди



Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, айниқса миллий ғурур ва ифтихор бағишловчи ўзбек миллий курашининг оммавийлигини ошириш мақсадида ташкил этилган миллий кураш бўйича “Бош прокурор кубоги” мусобақаларининг туман босқичи ғолиблари аниқланди.

Бугун, туман Болалар-ўсмирлар спорт мактабида туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамда спортни ривожлантириш бўлими томонидан ташкил этилган туман босқичида эркаклар ва аёллар ўртасида, вазн тоифалари бўйича туман ғолиблари аниқланди.

Қизғин ва мурасасиз кечган баҳслар якунида ўз вазн тоифаларида ғолибликликни қўлга киритган полвонлар ташкилотчиларнинг диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Мусобақанинг тумани босқичида биринчилиكنи қўлга киритган полвонлар ўз вазн тоифалари бўйича вилоят босқичида иштирок этишади.